

Замонавий педагогикада масофавий таълимнинг роли.

Хикматов Н.Н. ТДШИ, ўқитувчи

Маълумки, ҳозирда биз янгиликни ва тез ўзгарадиган замонда яшаб, фаолият юритиб келмоқдамиз. Ҳозирда, ахборот оқимлари жуда кўп. Бизни ўраб турган оламнинг ўзи ахборот тўпламидан иборатдир. Бугунги кунда ахборот билан ишлаш, уни қабул қилиш ва унга ишлов берувчи кўплаб техник воситалар мавжуд. Шулардан бири – компьютер технологияларидан биз ҳар бир соҳада фойдаланамиз. Ҳаттоки, таълим бериш, ўқитиш жараёнида ўқитувчилардан имкон қадар компьютер саводхонлиги талаб қилинмоқда.

Бу эса, ўз навбатида ўқитувчиларни компьютер технологиялари бўйича малакаларини тобора ошириб боришни талаб қилади. Ҳозирда қайси фандан дарс беришидан қатъий назар, ўқитувчи проектор ва компьютер ёрдамида дарс бериш кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот–коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Президентимизнинг «Замонавий ахборот–коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш тўғрисида»ги қарорлари таълим соҳасига янги ва янада янги кучларни жалб қилди десак янглишмаймиз. Яъни, бизнинг юртимизда инфор­мацион технологияларга эътибор жуда катталигини яққол кўриш мумкин.

Биз бир нарсага катта эътибор қаратишимиз лозим: кадрларни компьютер технологиялари бўйича малакаларини доимо, узлуксиз такомиллаштириб, ошириб боришимиз даркор. Шу ўринда, масалага оид қуйидаги савол ўринли: дарс жараёнига ҳалақит бермаган ҳолда қандай қилиб ўқитувчиларни компьютер технологиялари бўйича малакаларини ошириш мумкин? Биз бу саволга қуйидагича жавобни мисол келтирамиз: маълумки, ҳозирда масофавий таълим технологиялари ривожланмоқда. Агар биз улардан унумли фойдаланган ҳолда ўқитувчиларга таълим беришни

йўлга қўйсак, биз олдимизга қўйган мақсадга эришамиз, яъни ўқитувчиларни дарс жараёнига ҳалақит бермаган ҳолда, уларни компьютер технологиялари бўйича малакаларини ошириш имкониятига эга бўламиз.

Масофали ўқитишнинг асосий тамойиллари билан танишиб чиқсак:

- ихтиёрий ёшдаги ўқувчиларнинг гуруҳи таълим олиш имкониятига эга эканлиги, яъни вақт ва фазода эгилувчанлиги;
- юқори сифатли ўқув материалларини танлаш мумкинлиги;
- ўқитиш жараёнини юқори даражадаги ошкоралик ва самарадорликда ўтказиш мумкинлигидан иборат¹.

Масофали ўқитиш ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тенглаштириш, танлаш, шунингдек, ўз фикри ва нуқтаи назарларини эркин баён этиш ҳуқуқларини беради.

Ўқитувчи ва илмий ходимларнинг малакасини оширишда биз қуйидаги муаммоларни ҳал қилишимиз керак:

- ўқув жараёни олиб бориладиган ўқув муассаларини аниқлаш; улар орасида ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш; тингловчиларни масофавий таълим жараёнида кетадиган маблағни аниқлаш; таълимнинг алоҳида шакллари ишлаб чиқиш; масофали ўқитиш хусусиятларини таҳлил қилиш;
- масофадан туриб малака оширувчи ўқитувчи ва илмий ходимлар учун замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланишни методологик асосини аниқлаш;
- малака оширишда иштрок этадиган маслаҳатчи — тьюторларни тайёрлаш;
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш учун ўқув дастурларни ишлаб чиқиш, яъни ўқув режаларига киртиладиган курсларни асослаш ва меъёрга келтириш;

¹ А.А. Абдуқодиров, А.Х. Пардаев “Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти”. Тошкент, “Фан” нашриёти 2009 й.

- ўқув жараёнида интерфаол усул ва янги педагогик технологияларни ишлатишни йўлга қўйиш;
- малака оширган ходимларни баҳолаш, якуний аттестациядан ўтказиш учун топшириқлар тузиш ва уларга ўқишни тугатганликлари ҳақида ҳужжат беришни ташкил қилиш.

Масофали ўқитишда асосий ўрин электрон адабиётларга қаратилади. Агар биз ўқитувчиларни масофадан туриб малака ошириш ва қайта тайёрланишларини йўлга қўйсак, уларни вақт ва маблағларини тежашга, доимо ўз устиларида ишлаш шароитини яратиб берган бўламиз.

Бунда ўқитувчи ва илмий ходимларнинг масофадан туриб малака оширишларини йўлга қўйиш учун қонуний асос бўлса, мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди.

Демак, ҳозирда тобора оммалашиб бораётган ва дунё ОўЮларида кенг қўлланилаётган дистанцион таълим замонавий педагогиканинг ривожланишига, малакали кадрларни тайёрлаш жараёнини модернизациялашувига катта хиссасини қўшмоқда.